



# ТОШКЕНТДА ВАГОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШЛАНДИ

### “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясига қарашли Куюв-механика заводида вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан заводда бўлиб ўтган тақдирот маросимида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг раиси О.Раматов Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда транспорт тизимини, хусусан, темир йўл тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юртимиз мутахассислари томонидан янги вагонлар лойиҳаси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳам ана шу эътибор самараларидандир.

Мамлакатимизнинг темир йўл тизимида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. “Навоий-Учкудук-Султон Увайистон-Нукус”, “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” янги темир йўл линияларини йўлга туширилиши, “Тошкент-Самарқанд”, “Тошкент-Бухоро” йўналишларида тезорар поездларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилиши шулар жумласидандир.

Тошкентда замонавий вагонлар, ишлаб чиқаришнинг бошланиши ҳам ана шундай улкан ишлар сирасидандир. Шу вақтга қадар тепловоз, электровоз ва юк вагонлари таъмирланган корхонада эндиликда усти ёпиқ ва ярим очик вагонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу нафақат мамлакатимиз темир йўл тизимини замонавий вагонлар билан таъминлаш, балки уларни хорижга экспорт қилиш, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобидан беш юздан ортиқ янги иш ўрни очиб имконини ҳам беради.

Куюв-механика заводидаги иш жараёнини кўриб, очиги, жуда ҳавасим келди, — дейди “Қирғиз темир йўли” компаниясининг бошлиғи Владимир Түпий. — Тошкентда темир йўл вагонларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё темир йўл транспорти тизимига ўзининг самарали таъсирини ўтказадиган катта воқеадир. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг бу улкан ютуғи Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий ислохотлар бераётган самараларидандир. Тошкентда ишлаб чиқарилаётган темир йўл вагонларига Қирғизистонда ҳам катта эътиҳ бўр.

“Ўзбекистон темир йўллари” компаниясининг бош менежери Н.Абдуллаевнинг таъкидлашича, вагонлар 160 миң километр юрганидан сўнг таъмирга муҳтож бўлади. Шу боис, компания ҳар йили 1,5 миң янги вагонга эътиҳ сезади. “Ўзбекистонда ишлаб чиқариш” тамғаси билан вагон ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши эса ана шу эътиҳни қоплаш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов иштирок этди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири

Қарши-Бухоро автомобиль магистрал йўлидан боришда Муборак туманининг Хитой қишлоғига яқинлашганимиз билан йўлниң ўнг томонидаги замонавий бино диққатиниғизни ўзига тортади.

## Қишлоқ хўжалиғи учун кадрлар


Бу Муборак қишлоқ хўжалиқ касб-ҳунар коллежи. Таълим мақсадида Қорақум фуқаролар йиғинига қарашли Хитой, Қорақум, Чор өтм қишлоқлари ёшлари билан бирга тумандаги Қарлик, Бўстон, худуд-лари, шунингдек, Муборак шаҳри, Косон тумани, қўшни Самарқанд вилоятидан ҳам қўлаб ёшлар илм-фан сир-синоатларидан тўла хабардор бўлишяпти.

— Коллежимиз жамоаси зиммасига бугунги кунда қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида етакчи кўч бўлиб қолган фермерларга хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи кадрлар тайёрлашда масъулиятли вазифа юклатилган, — дейди биз билан суҳбатда билим мақсади раҳбари Холмурод Йўлдошев. — Ўқув даргоҳимиз замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. 2 та ЭХМ хонаси, физика, кимё, лингафон кабинетлари ёшлар ихтиёрида. Устахона, стадион, спорт залида ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 60 нафар ўқитувчилар таълим-тарбияни Кадрлар тайёрлаш Давлат дастури асосида олиб бормоқда. 7 миң китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ҳам билимга чанқок ёшлар ихтиёрида.

— Маънавий-маърифий ишларни ҳам яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилишимиз, — дейди коллеж директори ўринбосари Нурали Эргашев. — Ахборот-ресурс маркази бу соҳада ўзига хос маънавият-маърифат ўчоғи бўлиб хизмат қилаётти. Коллежимиз қишлоқ хўжалиғи йўналишида эмасми, пахтакор, галлалар ва чорвалдорлар билан урчушулар ҳам ёшлар қалбига ўчмас ўз қолдираётти.

Хусан ТЕМИРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Қақшадарё вилояти



Олтиариқ туманидаги “Ишонч” масъулияти чекланган жамиятида ҳар кун 3 тоннадан ортиқ сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, миқозларга етказиб берилмоқда.

— Корхонамизда 30 нафар ишчи меҳнат қилади, — дейди жамият бошқаруви раиси Мадаминжон Муҳиддинов. — Маҳсулотларимизга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили олти ойда 3 миллион 790 миң сўм фойда олган бўлсак, жорий йилда даромадлар салмоғи 5 миллион сўмдан ошди. Даромаднинг асосий қисмини ишчи-хизматчилар манфати учун сарфлаяпмиз.

### СУРАТДА: (чапдан)

“Ишонч” масъулияти чекланган жамияти нон ишлаб чиқариш цехи устаси Шукр Қодиров ва жамият раиси Мадаминжон Муҳиддинов маҳсулот сифатини текширмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

# “Қишлоқ ҳаёти” га жавоб берадилар

## Таклифлар билдирилди

“Шоҳбекатнинг шоҳлиғи қолмадимми?” (2007 йил 5 октябрь)

Газетамизнинг шу йил 5 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилганда.


“Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан мақола мазмунан ўрганиб чиқилди. Бизнинг агентлик давлат бошқарув органи бўлиб хўжалиқ фаолиятини юритмайди. Танқидий мақолада кўтарилган муаммолар ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам илгари барча йўловчи фақат “Автошоҳбекат” ва “Автошоҳбекат” лар орқали манзилларига жўнатиларди. Мақолада қайд этилганидек, оддатда метро бекати ёки бозорлардан чиқиб, катта йўл четидан дуч келган автомобилга ўтириб кетиши ҳаминша ҳам қўлайлик яратилган.

Мақолада кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 303-сонли Қарори ижросини таъминлаш натижасида республикада 70 миңгадан ортиқ хусусий автомобилларни ўз таркибига бириктирган 1700 тадан ортиқ юридик мақомга эга хўжалиқ юртувчи субъектлар йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш бўйича фаолият олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳридан Жиззахга йўловчиларни ташвиш билан шуғулланётган хусусий микроавтобуслар ҳозирги кунда асосан шахслар таркибига бириккан ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Лекин айрим “тадбиркорлар” қонун-қридаларга амал қилмасдан, ўзбилармонча иш тутиб, “хурмача қилиқ”лар қилишмоқда.

Ушбу мақола агентликнинг барча вилоятлардаги худудий бўлимларига муҳокама қилиш ва келажакда бундай камчиликларга йўл қўймайлик чораларини кўриш учун юборилди. Шунингдек, “Автошоҳбекат” ва “Автошоҳбекат” лар ҳамда автомобилларнинг тўхтаб туриш жойлари, нозимхоналар худудларини ажратиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ҳокимиятлар ваколати доирасига кириши муносабати билан шу худудлар атрофида сунъий равишда ташкил қилинган ноқонуний автомобиллар жўнаш бекатларини ёпиш ва барча автотранспортларни фақат “Автошоҳбекат” ва “Автошоҳбекат” лар орқали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан агентлик ўз тақлифларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборди.

Ш.ШОҲАХОБОВ, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосари.



Брауннинг қутилмаган ташрифи

Буюк Британия бош вазирини Гордон Браун қутилмаганда Ироққа ташрифи буюрди. Ироқ жанубида жойлашган Басра шаҳридаги Британия ҳарбий ҳаво қучлари базасида аскарлар билан учрашар экан Гордон Браун, яқин вақт ичда уларнинг ўз уйларига қайтишини маълум қилган.

Бош вазирнинг бу қутилмаган ташрифи 2008 йил ўрталарига қадар Ироқдаги британ аскарлари сонини 2,5 миң нафаргача камайтириш тўғрисидаги хабарларни янада ойдинлаштирган. Қузатувчилар фикрича, Буюк Британия ҳукуматининг бу қарори АҚШдаги Ироқ урушига қарши америкаликларни бир оз фаоллаштирган. Айни дамда бу урушга норозилик билдираётган америкаликлар Ироқдан АҚШ ҳарбийларини зудлик билан олиб чиқилишини талаб қилишмоқда.

“ЮНЕСКО” бир неча йилдирки, дунёда саводсизликка чек қўйиш йўлида кураш олиб боради. Фонд мутахассисларнинг сўзларига кўра, саводсизликка қарши курашиш учун яқин дамда 11 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ зарур бўлади. Олиб бориладиган қузатувлар шуни кўрсатганки, юқори даражадаги саводсизликка асосан мактаблардаги дарсларнинг пуллиқ шаклга ўтиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Хиндистон, Миср, Бразилия ва Бангладешда бу ҳол яққол намоён бўлаётганини қузатиш мумкин.

## Саводсизликка сабаб нима?

Дунёнинг 774 миллион нафар катта ёшдаги аҳолиси ўқиб ва ёзишни бيلمайди. БМТнинг “ЮНЕСКО” фонди маълумотига, сайёрамизнинг 72 дан зиёд ривожланаётган ёки қашшоқ давлатларида саводсизлар сони охириги 10 йил ичдада ошиб бормоқда.

“ЮНЕСКО” бир неча йилдирки, дунёда саводсизликка чек қўйиш йўлида кураш олиб боради. Фонд мутахассисларнинг сўзларига кўра, саводсизликка қарши курашиш учун яқин дамда 11 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ зарур бўлади. Олиб бориладиган қузатувлар шуни кўрсатганки, юқори даражадаги саводсизликка асосан мактаблардаги дарсларнинг пуллиқ шаклга ўтиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Хиндистон, Миср, Бразилия ва Бангладешда бу ҳол яққол намоён бўлаётганини қузатиш мумкин.

## Фухимори қора курсида

Перунинг собиқ президенти Альберто Фухимори инсон ҳуқуқларини поймол этишда айбланмоқда. Лима суди Фухиморини 1992 йилда марказий қамоқхонада бош кўтарган 15 нафар маҳбусларнинг отиб ўлдирилишида айбдор санамоқда.

АҚШнинг Лимадаги элчихонасидан топиладиган ҳужжатлар собиқ президентнинг айбларини тасдиқламоқда, дейилади маҳаллий матбуотларда. Бундан ташқари, 69 ёшли Фухимори устидан ўз лавозимини суистеъмол қилиш ва давлат маблағларини ўзлаштириб олиш борадидаги суд ишлари бошланиши қутилмоқда. Агар Перунинг собиқ раҳбари Фухимори айбдор деб топилса, 30 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

## Американи ташвишга солаётган жиноят

Американинڭ Колорадо-Спрингс (Колорадо штати) шаҳрида номалъум шахс черков яқинида 4 нафар одамни отиб ўлдирди. У черковдан чиқиб келган ибодатчиларга кетма-кет ўқ узган.

Воқеа жойига етиб келган полиция жиноятчини отиб ташлаган. Бу воқеадан бир неча соат аввал Денвер шаҳарчасида ҳам ибодатчиларга қуроли ҳужум уюштирилган. Натихада, икки нафар одам ҳалқатдан кўз юмган.


Ўтган бир ҳафта мобайнида АҚШда 3 марта тинч аҳолига қуроли суиқасд уюштириш содир бўлган. 6 декабрь кўни Омаха шаҳридаги савдо марказларининг биринчи қабатига суиқасд содир этган. Жиноятчи 9 нафар харидорнинг умрига зомин бўлиб, сўнг ўзининг жонига қасд қилган. Охириги вақтларда АҚШда бу каби жиноятларнинг авж олиб бораётгани ҳукуматни жиддий ташвишга солмоқда.

## Энг қиммат ҳайкалча

“Sotheby’s” аукционда 10 сантиметрлик қадимий ҳайкалча рекорд нарҳда — 51 миллион АҚШ долларига сотилди. Бундан 5 миң йил аввал йўлбарс ва одам қиёфасида мармар тошдан ёсалган бу ҳайкалчининг баҳоси дастлаб 19 миллион долларга сотилиши тахмин қилинган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, ёвуз руҳларни хайдаш учун ясалган бу ҳайкал 1930 йил Бағдод остонасидан топиладиган йиллар мобайнида коллекциячилар томонидан бир неча бор арзон нарҳларда сотилиб келинган. Бруклин музейига топширилган, унинг қимматбаҳо қадимий санъат асари эканлиги маълум бўлган. “Гуэнолл йўлбарси” номи билан бу санъат асари “Sotheby’s” аукционда сотилган ҳайкаллар ичда энг қимматлиши саналмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Шермат САНАЕВ тайёрлади.



## Кундан-кунга изчил ривожланиб бораётган молия бозорида ўзининг аниқ иш услубига ҳамда таърибига эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” истиқлол йилларида янада раванқ топди.

Айни пайтда унинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали тасарруфида Тахматов, Қўнғирот филиали, 3 та амалиёт, 10 та жамғарма қасаси, 7 та валюта айирбошлаш шохбосчаси, 7 та минибанк ҳамда коммунал тўловлар қабул қилиш учун 5 та махсус ва 3 та жамғарма қасалари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур банк бугунги кунда ўзининг 2 миңдан ортиқ миқозларга эга. Улар орасида фермерлар, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар ҳамда йирик саноат қорхоналарини ҳам учратиш мумкин.

Сир эмас, тадбиркорликка йўл очилган, билган ҳам, билмаган ҳам шу соҳага ўзини бир бор уриб кўрди. Банкдан кредит олиб, ҳаш-паш дегунча бобиб кетишни оруз қилганлар бўлди. Тўғри, ишнинг кўзини биладиган, машаққатлардан ўн ойи давомида минтақавий филиалнинг кредит қўйилмалари 9 миллиард 975 миллион сўмни ташкил этди. Бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга ўсишга эришилди дегандир. Ҳисобот даврида банк томонидан 6 миллиард 78

миллион сўм миқдоридеда кредитлар йўналтириб берилди. Шунингдек, жами кредит қўйилмаларининг (10,5 фоизи), яъни 1 миллиард 43 миллион сўми саноатга, 2 миллиард 6 миллион сўми қурилишга, 479 миллион сўми транспорт соҳасига, 1 миллиард 78 миллион сўми қишлоқ хўжалиғига, 554 миллион сўм савдо ва хизмат кўрсатувчи қорхоналарга, 4 миллиард 685 миллион сўм эса бошқа тармоқларни ривожлантиришга ажратилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, кредитларнинг 8 миллиард 841 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиб берилди.

Ҳукуматимизнинг бир қатор қарорларида тижорат банклари зиммасига хусусий тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун миқозларга қўлай шароит яратиш маъсулияти юклаган. Сўз юритавтган банк жамоаси бу устувор вазифани бекамму қўст адо этишига ўзининг

## ФЕРМЕР АЛИШЕР МУРОДБОВЕВ: “Кредитга комбайн олдим!”

Қорақалпоғистон Республикасида молиявий мададдан фойдаланиб, қаддини тиклаб олаётган мулкдорлар тобора кўпаймоқда

асло қочмайдиған юртдошларимизнинг ишлари юришиб кетди. Банк жамоаси қисқа, миллион сўм миқдоридеда кредитлар йўналтириб берилди. Шунингдек, жами кредит қўйилмаларининг (10,5 фоизи), яъни 1 миллиард 43 миллион сўми саноатга, 2 миллиард 6 миллион сўми қурилишга, 479 миллион сўми транспорт соҳасига, 1 миллиард 78 миллион сўми қишлоқ хўжалиғига, 554 миллион сўм савдо ва хизмат кўрсатувчи қорхоналарга, 4 миллиард 685 миллион сўм эса бошқа тармоқларни ривожлантиришга ажратилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, кредитларнинг 8 миллиард 841 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиб берилди.

Ҳукуматимизнинг бир қатор қарорларида тижорат банклари зиммасига хусусий тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун миқозларга қўлай шароит яратиш маъсулияти юклаган. Сўз юритавтган банк жамоаси бу устувор вазифани бекамму қўст адо этишига ўзининг

филиали бошлиғи Танатар Топалов. — Айниқса, өрнинг чинаков эгалари, — фермерлар ихтиёрига берилиши экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш, пировардида, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аграр соҳа субъектларини кредитлаш, улар томонидан маблағларни эркин ва теъкор тасарруф этишида банк зимматини рифожларга ақинлаштирилганлиги, яъни минибанклар тармоғи кенгайтирилганлиги ижобий натижа бермоқда. Сўз юритавтганимиз — “Саноатқурилишбанк”нинг туманлардаги 7 та минибанкида 158 та қишлоқ хўжалиғи қорхоналари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Аслини олганда, бундай кичик шохбосчалар фақатгина молиявий таъминоти бўлибгина қолмасдан, балки миқозларига молиявий

хизмат кўрсатилаётган фермер хўжалиқларида 2007 йилнинг 10 ойи давомида (Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтган) “Қишлоқ хўжалиқ қорхоналарининг савиб буюртмаси бўйича доат оллинадиган пахта ва галла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби” тўғрисидаги Низомига асосан 439 миллион сўм миқдоридеда имтиёзли кредитлар ажратилди. Ҳисобот даврида минибанклар томонидан 64 миллион сўм даромад олинди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ипотeka тўғрисида”ги Қонун талаблари ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан муайян ишлар амалга оши-

рилмоқда. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, уй қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш, уй-рўзғор хўжалигини жиҳозлаш, меъбел ва узоқ мuddат фойдаланиладиган бошқа ҳаётий зарур товарларни олиш учун кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Банк бошлиғи ўринбосари Эрпўлат Абибуллаевнинг эътирофи айтишича, 2007 йилнинг 10 ойи давомида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида филиал томонидан 118 та ёш оилаларга кредитлар ажратилди.

Банк миқоз учун қанча қўлай шарт яратиш берса, бунда ҳар икки томон ҳам ютади, — дейди “Чимбойёғ” қорхонаси раҳбари Мурот Исметов. — Мазкур банкда миқозларга хизмат кўрсатиш анча намунали йўлга қўйилган. Бу, айниқса, иш жараёнида яққол сезилмоқда.

— Йил бошида Қораўзақ туманидаги “Тангри қодир” фермер хўжалиғи раҳбари Алишер Муродбоев ўрим комбайни сотиб олиш мақсадида банкимизга мурожаат қилган эди, — дейди банк кредит бўлими бошлиғи Бекўлдин Султонмуродов. — Биз тез кунларда барча тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, мулкдорга 66 миллион сўм кредит ажратиб бердик. У бу пулга “Доминатор-204” русумли ўрим комбайни харид қилди. У мавсумда галла ва пахтадан юқори ҳосил олди.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали миқозларга намунали ва жаҳон андозаларига мос равишда хизмат кўрсатиши ўз олдига мақсад қилиб олган.

Улуғбек ЖУМАЕВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## Мехр-мурувват кўрсатилган жойда

муҳтожлик бўлмади

Хомийлар кўмағида таъмирлангандан сўнг, хар жиҳатдан жиҳозланган бўлиб, 25 нафар кишига уй-жой қилиб берилди.

Умуман, “Саломатлик” дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича бу

қолдирган асоратлар бор. 181 нафар болалиқдан ногиронлар ана шу давринг хосиласидир. Уларга алоҳида меҳрибончиликлар кўрсатилади: барчасига малакали тиббий ходимлар бириктирилган. Обид Ниё-

зов, Муслима Давронова, Нуриниса Жўраева, Амрох Мусатов кабиларнинг давлат қарамоғига олгани каторида хомийлар ҳам улардан маданий асиямаяпти.

Узгалар парваришига муҳтожларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларида қорхона ва ташкилотлардаги билан бирга барча кишилар бош-қош бўлаётгани ўқисқ қалбларга меҳр улаштириш қаторида бу ердаги яна битта муҳим тадбир эътиборни тортади: яъни уларни фойдали меҳнатга

жолб этиш ва ҳунарга ўргатишда икки йилдан буюн битта хайрли таърибга қўллаб қўрилди. Самараси чакки эмас. Туман ҳокимлиги ва марказий шифохона ҳамда ижтимоий таъминот бўлими ҳамкорлигида 70 нафар ногирон уй қасанчилигини ривожлантиришга йўналтирилди. Хар бирига танлаган ихтисослиғига қараб, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар сотиб олишига қўмақлашилди. Дастлабки кезларда малакали ишлаб чиқариш усталари бириктирилди. Энди эса уларнинг ўзлари мустақил ҳолда турли хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Шунингдек, ногирон фарзанди парвариши билан шуғулланиб, бошқа бир жойда муқим ишловлай қолган кишиларнинг барчасига меҳнат дафтarchаси очилиб, зарур шарт-шароитлар ва амалдаги қонунлар доирасида имтиёзлар яратиб берилгани ҳам муҳтожлар соғлигини тиклаш ва “Саломатлик” дастурини бекамму қўст амалга татбиқ этишга имкон бермоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Жиззах вилояти

## Мехр-мурувват кўрсатилган жойда

муҳтожлик бўлмади

ерда ибратли ишлар жуда кўп. Марказий шифохона, болалар поликлиникаси, қишлоқ врачлик пунктлари ЭКГ, лаборатория жиҳозлари, УЗИ аппаратлари ва бошқа энг сўнги русумли асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Репродуктив саломатлик муҳофазаси ва соғлом оилани шакллантириш мақсадида туғиш ёшидаги 12 миң нафар аёллар доимий назоратга олинган. Жойларда мутахассислардан иборат адоҳида гуруҳлар тузилган бўлиб, уйда даволаш ва маслаҳатлар бериб

қилган асоратлар бор. 181 нафар болалиқдан ногиронлар ана шу давринг хосиласидир. Уларга алоҳида меҳрибончиликлар кўрсатилади: барчасига малакали тиббий ходимлар бириктирилган. Обид Ниё-

зов, Муслима Давронова, Нуриниса Жўраева, Амрох Мусатов кабиларнинг давлат қарамоғига олгани каторида хомийлар ҳам улардан маданий асиямаяпти.

Узгалар парваришига муҳтожларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларида қорхона ва ташкилотлардаги билан бирга барча кишилар бош-қош бўлаётгани ўқисқ қалбларга меҳр улаштириш қаторида бу ердаги яна битта муҳим тадбир эътиборни тортади: яъни уларни фойдали меҳнатга

жолб этиш ва ҳунарга ўргатишда икки йилдан буюн битта хайрли таърибга қўллаб қўрилди. Самараси чакки эмас. Туман ҳокимлиги ва марказий шифохона ҳамда ижтимоий таъминот бўлими ҳамкорлигида 70 нафар ногирон уй қасанчилигини ривожлантиришга йўналтирилди. Хар бирига танлаган ихтисослиғига қараб, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар сотиб олишига қўмақлашилди. Дастлабки кезларда малакали ишлаб чиқариш усталари бириктирилди. Энди эса уларнинг ўзлари мустақил ҳолда турли хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Шунингдек, ногирон фарзанди парвариши билан шуғулланиб, бошқа бир жойда муқим ишловлай қолган



15 ноябрдан 15 декабргача ёнги хавфсизлиги ойлиги

# Лоқайдлик келтирадиган ташвишлар

### Биргина эътиборсизлик ўт балосига олиб келиши мумкин

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда ҳўжалигининг барча ҳабабларида кенг қўламада ўтказиб келинаётган "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" ўз мақсад ва вазифалари жиҳатидан гол муҳим моҳиятта эга бўлганлиги билан эътиборга моликдир.

Шубҳасиз, бу тадбирда кенг омма фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятта эга бўлиб, ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги барча амалий ҳаракатлар қўри самара беради. Давлат ёнги нозирати органлари ходимларининг маҳалла ҳамда аҳоли бошқаруви кенгашлари, ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши ойлигининг қўри самияда ўтишини таъминлайди. Фуқаролар билан бевосита ёнги хавфсизлиги қондалари, бошқа меъёрий ҳужжатлар юзасидан мулоқотлар олиб борилади. Унда қондаларга амал қилишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти тушунтирилади, зарур ҳолларда кўргазмали қуроллар ёрдамида ёнгига олиб келувчи омилирани бартараф этиш чоралари бўйича ўқув-синов машғулотлари ўтказилади.

Сўнги беш йилда Давлат ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Республикаимиз ҳудудида ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ва самарали ишлар амалга оширилари натижасида ёнгилар сони 944 тага, фуқароларнинг ёнгилардан тан жароҳати олиш ҳоллари 122 тага ҳамда ҳалок бўлганлари сони ҳам камайишига эришилди. Бунга кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, газ ва электр идоралари ҳамда бошқа дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирлар натижасида эришилди келинмоқда.

Шулар билан бир қаторда Президентимизнинг жорий йилнинг 2 майдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йил куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" Давлат акциядорлик компаниялари томонидан ташкил этилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу кунга қадар бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Унга кўра, жойларда 242 та гуруҳлар тузилиб, уларга профилактика инспекторлари, Ёнги хавфсизлиги хизмати ва электр идоралари, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, даволаш муассасалари ходимлари, ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари жалб этилди.

Ўтказилган текширувлар жараёнида 17993 маротаба носоз газ ускуналаридан фойдаланиш, 14797 маротаба газ мосламаларидан фойдаланишда ёнги хавфсизлиги қондаларига зид равишда резина шланглар орқали уланиб олиш; 792 маротаба табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, 18313 маротаба носоз дудбуронлар, 20523 маротаба носоз электр тармоқларидан ва 960 маротаба электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари аниқланиб, 45 минг 871 та камчиликларни жойида бартараф этилишига эришилди.

Йўл қўйилган камчиликлар ва уларни ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун 4941 нафар фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

Лекин амалга ошириб келинаётган барча профилактик тадбирлар ва ўтказилган тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларига қарамадан айрим фуқаролар ҳамон лоқайдликка ва эътиборсизликка чек қўймайотилади.

Шу йилнинг 10 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Х.Олимжон кўчаси 53-уйда уй эгаси томонидан оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнги содир бўлиб, 3 нафар фуқаро турли даражадаги кўйиш тан жароҳати олганлар.

Самарқанд шаҳри Фирдавсий 2-тор кўчаси 7-уйда иситиш пещидан нотўғри фойдаланиш оқибатида алангаси ўчиб қолган пещдан табиий газ хонага сизиб чиқиси ва пещи қайта ёқиш вақтида хонага йиғилиб қолган газ ва ҳаво аралашмасининг чакнаши содир бўлиши оқибатида хонада бўлган 1 нафар фуқаро кўйиш тан жароҳати олган ва 2 нафар кишининг вафот этгани ачинарли ҳолатдир.

Айтиш жоизки, асосан лоқайдлик туфайли содир бўлаётган бу каби ҳолатлар юрдошларимизни оғоҳликка қақришиши аниқ. Зеро, ёнги хавфсизлигига ҳар биримиз масъуллигимизни ёддан чикармаслигимиз лозим. Бу нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг соғлиги, мулк хавфсизлиги демакдир.

Равшан АХМЕДОВ, ЎЗР ИИБ ЁХББ катта инспектори, майор

### Шукур Бурҳонов шоғирдларидан меҳрини аямас, қўлидан келгунча уларнинг обрўсини кўтаришига урини ади.

Бир куни Москвадан Шукур аканинг таниш режиссёри ташриф буюрди. Шукур ака уни меҳмон қилмоқчи бўлиб яхши бир ресторанга олиб борди. Зиёфатта Толиб деган шоғирдини ҳам қақирди. Толиб театр ва рассомчилик институтининг учинчи курсида ўқир ади.

Зиёфат бошланди. Дастурхон турли ноз-неъматлар билан тўла. Шукур ака меҳмонга шоғирдинни таништирди.

— Бу менинг энг талантли шоғирдин бўлади, — деди Толибнинг елкасига қўл қўйиб. — Ўзи жуда зўр режиссёр. Бир нечта спектакль қўйган. Ҳозир "Гамлет"ни сахналаштирмоқчи бўлиб юрибди. Ана шунақа!

Меҳмон Россияда таникли режиссёр ади, бош силкиб

# Гулнинг ҳам бошини сила

### ёки Шукур аканинг шарқона одати

Толибни табриклаган бўлди. Бечора студент "Шукур ака, ахир мен..." деб оғиз очган ади, устоз, "Жим ўтир, ҳей бола!" дея уришиб берди ва меҳмонга ўғирилди: — Бу "Гамлет"ни қўйганда сени қақирамиз, албатта келгин, а? — Албатта келаман, — деди у.

## Машҳурлар ҳаётида


Шукур ака жеркиб берди: — Хўв тек ўтиргин, бола! Узинг бир бечора студент бўлсанг, чўнтак қовлашингга бало борми?

Меҳмон кулиб юборди. У Урта Осиёга тез-тез қатнаб юриб, туркий тилини ҳам оз-моза ўрганган ади.

— Шукур, бу ўйиннинг нима кераги бор ади? — деди илжайиб, — шоғирдин студент экан-ку, тўғриси айтиб қўяқолсанг бўлмасмиди?

Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Шукур ака пинагини бузмади.

— Тўғри, у талаба, — деди, — лекин талантли талаба. Бир куни у, албатта, сендай зўр режиссёр бўлади, шунда "Гамлет"ни сахнага қўяди.




Авал иззатли меҳмон шанига, кейин устоз Шукур Бурҳонов шарафига ва ниҳоят, "келажаги порлоқ" Толиб шоғирд учун қадаҳ кўтардилар. Зиёфат тугади. Ҳисоб-китоб фурсати етганда Толиб ҳам чўнтак қовлади. Буни кўриб

Нега бу болани сенинг олдинда мактаб қўйдим, биласанми? Хурсанд бўлсин, ўзига ишонсин, дедим. Ахир гулнинг ҳам бошини силасанг у тевроқ ўсар эмши. Бизнинг Шарқда шундай дейдилар... Саъдулла СИЕЕВ

# Оғусиз дунё сари

Ёшларимизни маънавий барқамол, жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Гулистонда бўлиб ўтган тадбир ана шу мавзуга бағишланди. Унда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, маҳалла ёшлари иштирок этидилар.



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши вакиллари, фаол талабалар ёшларни гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт сари дадил қадам ташлашга, СПИД касалини келтириб чиқарадиган омилларга қарши курашишга, фаол ҳаёт кечиршига, шу гўзал юрт учун

муносиб фарзанд бўлиб камол топишга қақирдилар. Шунингдек, тадбирда касб-ҳунар коллежлари томонидан ташкил этилган "Оғусиз дунё сари" деб номланган расмий кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Энг иқтидорли ёш рассомларга қимматбахо совғалар топирилди.

Гулистон санъат коллежи талабалари эса "Она фарёди" спектаклини намойиш этдилар.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Сирдарё вилояти

# Борингизга ким масъул?

### ёки шу ҳақда мулоҳазалар

— Бугун дам олиш куни, деб эрталабдан бери диванга қўйилгангизча гоҳ газета ўқийсиз, гоҳ телевизор кўрасиз, — деди уй бекаси. — Бундан кўра ҳовлига чиқиб, даракларни бутасангиз, чиройли қилиб шакл берсангиз яхши бўларди...

— Шакл бериш у ёқда турсин, ҳаммасини қирқиб ташлайман, қишда тандирга ўтин қилиб ёқсан...

Шу пайт дарвоза кўнжироғи жиринглаб, икковлари ҳам чалғиди. Зигиллаганча дарвоза сари кетган аёл бир оздан сўнг нариги маҳаллалик Имомкул оқоқолини бошлаб кирди.

Оқоқолининг ўз маҳалласида ҳам, бошқа жойларда ҳам обрўси баланд. Қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоиди, уста бобдон ва соҳибқор Имомкул Хамроқул олтимышдан ошиб, етмишга етай деб қолган бўлса-да негадир ҳозир ёшлиқидан-да, гайратлироқ, Ҳовлисида ик-

кита қуриган дарахти бор хонадонга бирров "бурун тижмай" ўтмайди. Аҳволни билгач, оқоқол Холматжоннинг даракларини нега қирқиб ташламоқчи бўлаётганлигининг сабабини сўради.

— Икки йилдан бери дараклар тагини юмшатавериб, беланги бўлай дедим, — деди Холматжон қизиб. — Бирок, олма, шафтоли, ўрикчи, ҳатто, ёнқорларимчи ҳам кўрт ўйиб ташлайди. Бўлмаса, даракларим кўртламай туриб ҳам, гулга кирганда ҳам дорийламан.

Имомкул ака бир лаҳза ўйлаиб турган:

— Оббо, Сиз-ей, бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймоқчи экансизда? Биринчидан, дориларни вақтида пуркамангиз, иккинчидан, меъёри ёки дори турини тўри танламагансиз. Олим шундай деди-да, Холматжон-

# SPORT O'LAMIDA

## "Пахтакор" – Ўзбекистон Кубоги соҳиби

Дам олиш куни 2007 йилги футбол мавсумининг сўнги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Кубоги учун ўтказилган финал ўйинида Тошкентнинг икки жамоаси куч синашди.

XVI чемпионат голиби "Пахтакор" футболчилари "Курувчи" вакилларига қарши тўп суришди.

Ўйндан олдин майда савалаб ёққан ёмғир майдоннинг аҳолини худаям ачинарли ҳолга солиб қўйди. Учрашу бошланиси билан эса бу ёмғир аста-секин кучая борди. Айтиш мумкинки, бундай ҳавода тўп суриш футболчиларга жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Мавсум давомида бунақа об-ҳавода тўп сурмаган футболчилар ҳужумкор ўйин намойиш этишолмади. Баҳс асосан майдон марказида кечди. Асосий вақтда ҳисоб очилмагач, ҳакам 15 дақиқалик икки бўлим қўшиб берди. Лекин бу паллаларда ҳам ҳеч кимга гол ўриш насиб этмади. Финалдаги голибини пенальтилар серияси аниқлаб берди. Унда "Пахтакор" жамоаси 7:6 ҳисобида рақибидан устун келиб, Ўзбекистон Кубоги соҳибига айланди.

## "Динамо"да янги мураббий

Киевнинг "Динамо" жамоаси Украина Кубоги чорак финалида "Таврия"ни 3:0 ҳисобида доғда қолдириб, ярим финалга йўл олди.

Мазкур учрашувда ҳамюртимиз Максим Шацких майдонда 90 дақиқа ҳаракат қилган бўлишига қарамай, рақиблар дарвозасини ишғол қила олмади. Ўйинда Бангура дублга эришди. Гусев эса 40-дақиқада ақоийиб гол муаллифига айланди.

"Таврия" билан ўйиндан кейин бўлиб ўтган матбуот-анжуманида "Динамо" клуби президенти Игорь Суркис Россия ва Тожикистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Павлович Сёминни жамоа бош мураббийи сифатида расман таништирди. Бу мураббий бунгача "Локомотив", "Динамо" (Москва) ҳамда Россия терма жамоалари билан ишлаган. "Динамо" раҳбарияти Сёмин билан 2,5 йиллик шартнома имзолади. Юрий Павлович мураббийлик вазифасини жамоа ўйинчилари таътилдан қайтганидан сўнг 8 январдан бошлади.

Кўпчилик бу жанг 12 раунд давом этишини башорат қилганди, аммо 10-раундда жангга узил-кесил нукта қўйилди. Мейвезернинг чап қўл билан берган кучли "жеб" зарбаси Хаттонни ноқушта учратди. Шундай қилиб, Флойд ўз унвони ва номини сақлаб қолди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

## БИЛАСИЗМИ? Ўсимликда ҳам асаб бор

Бу хизмат нафақат мевали дарахтлар учун, балки аҳоли томорқасидаги помидор, бодиринг, сабзи, пивёз ва картошка сингари экинлар учун ҳам зарур. Сўнги пайтларда картошка зараркунандаси бўлган колорадо кўнжизлари аҳоли картошка пайқалларидан қарвон-қарвон бўлиб, полизларга ва бодиринг етиштирилган майдонларга ҳам ўта бошлади. Улар шунақа зараркунандаси, жайдари қилиб айтганда, "ўзда ёнмас, сувда чўкмас ва ниҳоятда тез кўпаювчан".

Аҳоли томорқасидаги мевали бодиринг, томорқаларни зараркунанд ва касалликлардан муҳофазат қилиш муҳим тадбир. Бу муамонинг ечими Имомкул ака айтгандай, жуда жўн ва осон.

Келдир ЖўРАКУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Жиззах вилояти

### ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ ТОЛЬКО

Ваз-21041 от 9000 у.е. Chevrolet-Niva от 16500 у.е. ИЖ-27175 от 9000 у.е.

Форма оплаты - любая

ТЕЛ.: (99871) 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ қуйидаги автомобилларни таклиф этади.

Optima, Carens, KIA MOTORS The Power to Surprise, Cerato, Sportage

Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаева кўчаси, 54А. Мўлжал: метронинг Буюк Йўл йўли бекати. Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

### Автотранспорт – кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ДАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСПЛУАТАЦИОННИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтаридиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-31105" русумли 6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташин машинаси

"ГАЗ-3321" русумли 15 ўринли микроавтобус

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нон ташин машинаси

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

<b>Бош муҳаррир</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Ўқтам БАРНОЕВ, Агатай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.	<b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.	Реклама ва эълонлар матни учун бюуртмачи жавобгар 1. тижорат мақола	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй										
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.		Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.		Буюртма Г-1118, ҳажми 2 босма табоқ, ҳароғ бичими А-2.		Офсет усулида босилди, ҳароғ бичими А-2.		Босишга топириш вақти: 21.00 Босишга топирилди: 22.00 Адади - 13178		Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақфаланди.		"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.		2 3 4 5 6	